2010-yil 10-iyul № 82 (2807) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Moҳият

Ватан менинг жону таним саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир.

ФИТРАТ

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 45 215 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 88 845 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 45 215 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 88 845 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 54 265 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,2 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши 90 фоиз миқдорида республика давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда 10 фоиз миқдорида бюджет муассасалари ва ташкилотлари сметалари бўйича харажатларни мақбуллаштириш ҳисобидан;

пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши республика давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Хўжалик ҳисобидаги бирлашма, корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 июл

## Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги олдидан

*Аҳолига тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишда, профилактика тадбирлари самарадорлигини оширишда бирламчи тиббий муассасаларнинг ўрни беқиёс. Фарғона вилоятида ҳам мазкур муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш йўлида қатор ишлар олиб борилаётир.*





Ҳозиргача вилоятдаги 214 қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-1», 79 таси «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида тубдан таъмирланди ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мазкур бирламчи тиббий муассасаларда узлуксиз тоза сув, иссиқлик, электр энергияси таъминоти йўлга қўйилган бўлиб, 151 қишлоқ врачлик пунктида телефон алоқаси ўрнатилган. Қолганларини жорий йил охирига қадар телефонлаштириш мўлжалланмоқда.

**Суратларда: Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг чақалоқлар бўлими тиббиёт ходимлари; Фарғона туманидаги Шоҳимардонобод қишлоқ врачлик пунктининг тиббиёт ходимлари.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**




*Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг V конференцияси бўлиб ўтди. Унда бирлашма кенгаши раиси Бибиражаб Муҳамедованинг 2005-2010 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот маърузаси тингланди.*

## Фаровонлик асоси

Муҳокамада Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Абдусалом Раҳмонов, «Бухоро гилам» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Гулбаҳор Маъмурова, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳошим Қосимов, жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси Болта Ғафаров, вилоят ҳокими ўринбосари Олим Жумаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Равшан Самарбеков ва бошқалар қатнашиб, маъруза юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бибиражаб Муҳамедова якдиллик билан Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Озодахон Муҳитдинова иштирок этди.

### Конференциядан конференциягача

## Кучли жамият сари

**— Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли фуқаролик институтларининг ривожланиши учун кенг имконият яратиб берилди. Бу эса касаба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеининг ошишига кўмакдош бўлмоқда, — дея сўз бошлади Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Соғиндиқ Ниетуллаев. — Кейинги йилларда касаба уюшмалари томонидан барча меҳнаткашлар шуурида демократик қадриятларни тарбиялаш, уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, замон талабига мос янгиликлар кўламини кенгайтириш, ташкилотчилик ва ижро тартибини кучайтириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди.**

Айниқса, 2008-2010 йиллари асосий эътибор бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлмиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози масалаларига қаратилди. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби бу борадаги фаолиятимизда дастуриламал бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тўртинчи қурултойи резолюциясида таъкидланганидек, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг ҳуқуқий базалари яратилганлиги касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш имконини берди.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари ваколатларидан келиб чиққан ҳолда ҳукумат, иш берувчилар ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида қатор ишлар амалга оширилди. Жамоа шартномалари орқали иш билан бандликни кенгайтириш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, меҳнат шароитини яхшилаш, ҳуқуқий ҳимоя, маданият, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож меҳнаткашларни ҳимоя қилиш бўйича чоралар кучайтирилди.

**(Конференциялар ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-бетларида берилмоқда).**

# Соҳибқирон даврида боғланган ришта

## бугун ҳам Ўзбекистон ва Франция ҳамкорлигига хизмат қилаяпти

***Яқинда мамлакатимизга Франциянинг Дордон департаменти бош кенгаши президенти, сенатор Бернар Казо раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Унинг аъзолари – Франциядаги Аквитания минтақасининг етакчи департаментларидан бири саналган Дордон раҳбариятининг вакиллари, шунингдек, Европа Иттифоқи эксперти, Бордо университетининг олимлари, «Фан ва маданий мерос» ассоциацияси ҳамда меъморий ёдгорликларни сақлаш ва тиклашга ихтисослашган корхоналарнинг менежерлари вилоятимизда бўлиб, Шаҳрисабзда бир қатор муҳим учрашувлар ўтказишди.***

Ўзбекистон ва дунё

### Инсоният хазинасининг дурдонаси

Дастлабки учрашув «Orient Star» меҳмонхонасининг конференц-залида бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси М.Ражабов, Шаҳрисабз тумани ҳокими Ў.Хидиров, вилоят маданият ва спорт ишлари ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаларининг бошлиқлари У.Нусуров ва Б.Жамолов, ўзбекистонлик тарихчи олимлар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди. Меҳмонларга Қашқадарё вилояти, унинг тарихи ва асосий меъморий ёдгорликлари, мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ўз навбатида, францияликлар мазкур ташрифдан кўзланган мақсад Ўзбекистон ва Дордон бош кенгаши ҳамда «Фан ва маданий мерос» ассоциацияси ўртасидаги ҳамкорликни давом эттириш, хусусан, Шаҳрисабздаги Оқсаройнинг ҳовузларини реставрация қилиш билан боғлиқ лойиҳани кўриб чиқишдан иборат эканлигини билдиришди.

— Қашқадарё вилояти ва Дордон департаменти ўртасида кўплаб ўхшашликлар бор, — деди сенатор Бернар Казо Франциянинг жануби-ғарбида жойлашган ҳудуд ҳақида маълумот бериш чоғида. — Бу ўхшашлик айниқса иккала минтақадаги тарихий ёдгорликлар бисёрлигида яққол кўзга ташланади. Зеро, Дордонда ўрта асрларда барпо қилинган кўплаб ибодатхона ва қасрлар билан бирга ЮНЕСКО томонидан Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Ласко ғори жойлашган бўлиб, унда юқори палеолит (милоддан аввалги 18-мингйиллик) даврига оид тасвирларнинг энг мукаммал туркуми сақланган. Буюк Темур томонидан бунёд этилган Оқсарой ҳам ноёблиги ва жаҳонда тенги йўқлиги боис инсониятнинг маданий хазинасига киритилган экан, биз бу ёдгорликни келажак авлодлар учун сақлаб қолишга муносиб ҳисса қўшмоқчимиз.

### «...Камида 500 йил илгарилаб кетган эди»

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бордо университетининг профессори, «Фан ва маданий мерос» ассоциацияси президенти Макс Швоерер ўзбекистонлик олимлар билан бирга 1999 йилдан буён Оқсаройда илмий тадқиқот олиб бориб, Амир Темур давлатининг қудратидан далолат берадиган бу улкан иморатнинг яна бир ноёб жиҳатини эътироф этмоқда.

— Менинг тадқиқотларимдан биттаси ўрта аср ёдгорликларида мовий рангдаги керамиканинг ишлатилишига бағишланган, — дея таъкидлади профессор Макс Швоерер Оқсаройда ўтказилган мулоқотда. — Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Оқсаройдаги кошинлар бир нарсадан далолат берадики, Амир Темур даврида бу юртда яшаган усталар Европадаги ҳамкасбларидан камида 500 йил илгарилаб кетишган эди.

Профессорнинг ушбу фикрини маданий мерос объектларини таъмирлашга ихтисослашган «Socra» корхонасининг директори — машҳур Версал саройини қайта тиклашда иштирок этган малакали мутахассис Патрик Палем ҳам қўллаб-қувватлади. У Оқсарой яқинидаги ҳовузлар тубига тўшалган кошинларга ишора қиларкан, уларнинг ноёблиги, биринчидан, бошқа ёдгорликлардагидек вертикал эмас, балки горизонтал ҳолатда (аниқроғи, ерга) ётқизилганлигида, иккинчидан, сири ҳамон тўлиқ аниқланмаганлигида дея ҳайратланади.

— Бу кошинларнинг реставрациясиз ҳозирги давргача етиб келганлиги аждодларингизнинг нечоғлик маҳоратли ва билимли бўлганидан далолат беради, — деди жаноб Патрик Палем. — Лекин ушбу буюмлар қанчалик мукаммал бўлмасин, вақт таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шу боис кошинлар асл ҳолида келажак авлодларга ҳам етиб боришини таъминлаш учун ўзбекистонликлар европаликлар билан тажриба ва имкониятларини бирлаштириб, энг маъқул услубни танлашлари зарур. Бунда қадимги кулолчилик усулларидан ҳам, замонавий технологиялардан ҳам фойдаланиш зарур.

Шаҳрисабздаги Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейи директори Наби Хушвақтовнинг гапларига қараганда, Дордон департаменти бош кенгаши франциялик олимлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Оқсаройнинг ноёб ҳовузларини реставрация қилиш лойиҳасини молиялаштириш истагини билдирган.

**(Давоми 4-бетда)**

Ishonch
2010-yil 10-iyul № 82 (2807)



# Касаба уюшмалари — Қорақалпоғистон Республикаси Сарҳисоб

## Кучли жамият сари

(Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистон ҳукумати, савдо-саноат палатасининг республика бошқармаси билан касаба уюшмалари ўртасида имзоланган ҳудудий келишув республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Ушбу ҳужжатнинг ижросини таҳлил қилганимизда аҳолининг иш билан бандлиги 2005 йилга нисбатан 6,9 фоизга, ўртача иш ҳақи 4 баробарга ошганини кўриш мумкин. 2009 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 8,2 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,2, товар айланмаси 16 ҳамда пулли хизмат кўрсатиш 13,6 фоизга кўпайди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 5 та лойиҳа амалга оширилди, натижада маҳаллий маҳсулотлар кўлами йил давомида 10,6 фоизга кўпайиб, 9 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилинди. Иқтисодиётга жалб қилинган чет эл инвестицияси миқдори 16,8 фоизга етиб, 2008 йил билан таққослаганда 5 баробар ошди. Қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда 43 та янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. 29 та объектда модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

«Бандлик» дастури асосида 48 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Аҳолининг реал даромади бултур 30,7 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари томонидан шартнома муносабатларини ривожлантириш борасида бир қатор чоралар кўрилди. Бугун республикада 13 та тармоқ келишувига амал қилинаяпти, жамоа шартномалари сони 2005 йил билан таққосланганда 19,2 фоизга ўсиб, 5710 тага етди. Жамоа шартномалари ижросига сарфланган маблағ 2005 йилда ҳар бир ишловчига 55000 сўм атрофида бўлган, 2009 йилда бу кўрсаткич 177526 сўмни ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда иш берувчиларнинг ушбу ҳужжатга қизиқиши ортмоқда. Чунки ижтимоий шерикчилик натижасида кўпгина муаммолар, айниқса бандлик, иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси масалаларида маъқул ечимларга эга бўлинмоқда.

Айни пайтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жамоа шартномаларига корхоналарни модернизациялаш, замонавий технологияларни кенг қўллаш, энергиядан тежамкорлик билан фойдаланиш, рақобатни кучайтириш, ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан бойитиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ шартларни киритиш касаба уюшмалари зиммасидаги вазифалардандир.

**Конференцияда бандлик муаммолари, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат шароитини яхшилаш хусусида амалга оширилган ишлар ҳам кенг таҳлил қилинди.**

— Қорақалпоғистон касаба уюшмалари томонидан беш йил давомида иш ҳақи, нафақа, стипендия, мажбурий ва компенсация тўловларининг ўз вақтида тўланиши бўйича мониторинг олиб борилиб, қатъий назорат ўрнатилди, — дея қайд этди бирлашма раиси Соғиндиқ Давлатёрович. — Меҳнат ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга 384 марта расмий талабнома қўйилди, ҳокимият, суд, прокуратура органларига 142 марта мурожаат қилинди. Натижада бир миллиард сўмдан зиёд иш ҳақи ундириб берилди.

Қорақалпоғистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича қўшма дастур асосида ташкилий-ҳуқуқий базани яратиш, ишга қобилиятли ёшлар, кўп болали аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун иш ўринларини квоталашга йўналтирилган механизмлар амалга оширилди. Ушбу чоралар бандлик хизмати ва унинг инфратузилмасининг бир қолипда ривожланиш системасини яратиш, иш билан бандликни таъминлаш, ишсизликни имкон даражасида қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш учун асос бўлди.



Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва бартараф қилиш дастурига кўмаклашиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан катта кўмак берилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Кенгаш хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун тикувчилик цехи, нонвойхона ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини бунёд қилиш мақсадида қайтариб бермаслик шарти билан ажратган 20 миллион сўм эвазига Мўйноқ туманида «Орол орувлари» корхонаси ташкил этилиб, 24 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маблағлари ҳисобига Элликқалъа туманидаги «Сарибий» санаториясида ҳамда Тўрткўл туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳи қошида чорвачилик билан шуғулланувчи ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиниб, 5 киши иш билан таъминланди. Бунинг учун 4 миллион сўм сарфланди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, уни маблағ билан таъминлаш масалалари корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномалари орқали ҳал қилинмоқда. 2005-2010 йилларда қабул қилинган жамоа шартномаларига меҳнатни муҳофаза қилишга доир 26781 та банд киритилиб, ижроси учун 4 млрд. 712 млн. 210 минг сўм сарфланган. 2735 та касаба уюшма ташкилотининг меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Ҳисобот даврида 13 марта меҳнат муҳофазасига доир ўқув семинари ташкил қилиниб, уларга 500 дан зиёд фаол жалб қилинди.

— Албатта, бу кўрсаткичлар олдинги йилларга нисбатан яхшиланган билан ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз кўп, — деди Соғиндиқ Ниетуллаев.

## Йилларга берилаётган ном эзгуликка хизмат қилмоқда

***Мамлакатимизда йилларга ном берилиши орқали муайян соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиши касаба уюшмалари олдига ҳам улкан вазифалар қўймоқда. Таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари ҳар доим йиллар номланиши билан боғлиқ давлат дастурлари ижросига кўмакдош бўлиб келмоқда.***

Қорақалпоғистонда 2005 — Сиҳат-саломатлик йилида муҳтож кишиларга жамоа шартномалари орқали 12 495 700 сўм, 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида турли байрамлар муносабати билан кам таъминланган оилалар, ёлғиз яшовчилар, ногиронлардан 2995 кишига 26 941 700 сўм, жамоа шартномалари орқали эса 3571 кишига 366 232 000 сўм, 2007 — Ижтимоий ҳимоя йилида 403 338 700 сўм, шундан 362 965 300 сўми корхоналар ҳисобидан, 2008 — Ёшлар йилида 1103 кишига 81 359 000 сўм, шундан 59 576 000 сўми корхона маблағлари ҳисобидан, 2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 3236 кишига 102 904 000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Бундан ташқари, 2007-2008 йилларда тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашлари томонидан касаба уюшма стипендиялари таъсис этилиб, ҳисобот даврида 130 нафар олий ўқув юрти талабаси ва коллеж ўқувчиларига 58 млн. 286 минг сўм миқдорида стипендия берилди. Айни пайтда таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари республика кенгашлари томонидан ташкил қилинган стипендиялардан кам таъминланган оила фарзандлари бўлган талаба ва ўқувчилар фойдаланмоқда. Ёқилғи-энергетика, алоқа ва бошқа тармоқ корхоналарида ишловчиларнинг олий ўқув юртида таҳсил олаётган фарзандлари учун контракт пулининг бир қисмини тўлаб бериш йўлга қўйилган, — деди бирлашма раиси.

## Туман бойлик

***Касаба уюшмалари ҳар доим аъзолар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Қорақалпоғистонда ҳисобот даврида санаторий ва профилакторийларда 9257 киши соғломлаштирилиб, бунинг учун 1 млрд 760 млн сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, республикадаги болалар оромгоҳларида 16144 бола соғломлаштирилди.***

Ўтган йилларда 936 киши санаторийларда бепул дам олдирилди. Жумладан, 2007 йилда 334 нафар меҳнат ветерани, уруш қатнашчиси, 2008 йилда 29 та ёш оила вакиллари «Сарибий» санаторийси ва республика ўқитувчилар малакасини



ошириш институти санаторий-профилакторийсида бепул соғломлаштирилди.

Болаларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятидаги оромгоҳларда дам олдирилиши анъанага айланиб бормоқда. Ўтган йиллар давомида 10750 нафар қорақалпоғистонлик бола шундай имкониятдан фойдаланди. Уларнинг 600 нафари Хўжайли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, 225 нафари чернобилчилар, 225 таси афғон уруши қатнашчиларининг фарзандларидир.

Аъзолар саломатлигини муҳофаза қилишда спортнинг аҳамияти катта. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ўтган даврда 1 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 2 нафар спорт устаси, 13 та спорт усталигига номзод, 79 нафар турли разрядли спортчилар етиштирилди. Жамият спорт мактаби тарбияланувчилари турли халқаро, республика турнирларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгалламоқда.

Аъзоларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида мусобақалар уюштириш ҳам анъанага айланган. Бундан ташқари корхона ва ташкилотларда ишчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароитни яхшилаш чоралари кўрилаётир.

## Улкан вазифалар

Бирлашма раисининг таъкидлашича, 2009-2012 йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича чоралар дастурини амалга ошириш касаба уюшмалари зиммасига улкан вазифалар юклайди. Иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари ўртасида имзоланадиган жамоа шартномаларининг тўлиқ бажарилишига эришиш, бу ҳақда иш берувчиларнинг жамоага мунтазам ҳисоб бериб боришини таъминлаш, иш ўринларининг ноқонуний қисқартирилишига йўл қўймаслик, ходимларга иш ҳақи кечиктириб берилишининг олдини олиш шулар жумласидандир.

## Сафимиз кенгаймоқда

***Бирлашмамиз 367029 нафар аъзони бирлаштиради. Бошланғич ташкилотлар сони эса 1984 тани ташкил қилади.***

2005 йил билан таққослаганда эса 655 тага кўпайган. Бу нодавлат сектори корхоналарида янги касаба уюшма ташкилотларини ташкил қилиш, ишловчиларни аъзоликка жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар туфайлидир. 2007 йилдан буён нодавлат секторидаги 119 та корхонада касаба уюшма ташкилоти тузилди, 10314 киши аъзоликка жалб этилди.

Бирлашма пленум ва ҳайъат мажлисларида 5 йил давомида 201 та масала кўриб чиқилди. Шунингдек, касаба уюшмаларининг иш тартиби, кадрларни танлаш ва улар билан ишлаш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, иш қоғозларини юритиш, касаба уюшма вазифаларини жонлантириш масалалари бўйича ҳар бир бўлимнинг қўлланма, режа ва кўрсатмалари янгидан ишлаб чиқилди.

1984 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилиши, 361 ташкилотда ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилиб, уларда 355 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоси иштирок этди.

— Ҳисобот-сайловларда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, олдимизда турган вазифалар таҳлил қилиниб, касаба уюшма фаолиятига баҳо берилди, — деди бирлашма раиси. — Демак, энди аниқланган камчиликларни бартараф этиш, аъзоларнинг ишончини оқлаш юзасидан фаолиятимизни янада такомиллаштиришимиз лозим.



## Ҳуқуқий ҳимоячи

***Касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири аъзоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишдир. Қорақалпоғистонда бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда.***

Ҳисобот даврида бирлашмага фуқаролардан 409 та ёзма, 904 та оғзаки ариза ва мурожаат келиб тушиб, ўз вақтида қонуний асосларда ҳал қилинди. Аризаларнинг 19 фоизи ишловчи билан қонун талабларига зид равишда штат қисқартирилиши орқали меҳнат шартномасини бекор қилиш, 20 фоизи бахтсиз ҳодиса оқибатида саломатликка етказилган зарарни ундириш, 18 фоизи иш ҳақи, мукофотлаш, меҳнат нормалари, иш ва дам олиш соатлари, аёллар ва ёшлар, болаликни муҳофаза қилиш масалаларига доир.

— Ўтган йилга солиштирганда мурожаатларнинг умумий сони камайгани билан, қонунга хилоф равишда меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ мурожаатлар камаймаган. Бу эса қуйи бўғин касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, иш берувчилар, аъзоларнинг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш чораларини кучайтиришни талаб қилади, — деди С.Ниетуллаев.

## Ишонч — олий қадрият

***Конференцияда шунингдек тафтиш комиссияси раиси Қазақбой Хўжаниёзовнинг ахбороти тингланди.***



Музокарада сўзга чиққан соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Лиза Бойбўсинова, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Нукус туман кенгаши раиси Елмурат Жақсимов, «Қорақалпоқфуқароқурилиш» МЧЖ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Гулбаҳор Матмуродова, Нукус давлат университети талабаси, касаба уюшма стипендиати Манзура Байдуллаева ва бошқалар бирлашманинг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб топдилар.

Делегатлар бир овоздан музокарага чиқувчиларни қўллаб-қувватлашди.

Бирлашма раиси Соғиндиқ Ниетуллаев ҳуқуқ соҳасида биринчи қорақалпоқ профессори, улкан давлат ва жамоат арбоби, ҳассос шоир сифатида нафақат касаба уюшма аъзоларининг, балки бутун Қорақалпоғистон халқининг меҳрини қозонган инсон. Унинг раҳбарлигида касаба уюшмаларида юз берган ўзгариш ва муваффақиятларга юқоридаги мисоллар ҳам далилдир. Конференция делегатлари бир овоздан С.Ниетуллаевни бирлашма раиси қилиб қайта сайладилар.

Конференцияда шунингдек бирлашма кенгаши аъзолари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қурултойига делегатлар ҳам сайланди.

Анжуманда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куни Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бирлашма раисининг ўринбосари, раёсат аъзолари ҳамда тафтиш комиссияси раиси сайланди.

Конференция ва йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова иштирок этди ва касаба уюшмалари олдидаги долзарб вазифалар ҳақида гапирди. Конференцияда шунингдек, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раисининг ўринбосари Валижон Реймов ҳамда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Караматдин Абжалиев иштирок этди.

**Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Муҳаббат ТЎРАБОЕВА ва Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ тайёрлади. Шукурбой СИЙПАТДИНОВ олган суратлар**

